



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМЛ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 13 декабр чоршанба
Сотувда эркин нархда № 249 (2546)

Шу кунларда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессияси кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳалари муҳокамаси Олий Мажлис қўмиталари, комиссиялари, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари ҳамда блокларда қизгин давом этмоқда.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

ОКСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Президент Ислам Каримов 12 декабр кун Козогистон ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди.

— Давлатларимиз ўртасида ўзаро алоқаларни мустақамлашда мана шундай ташрифларнинг аҳамияти катта, — деди Президент учрашувда.

Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши, деган гап бежиз айтилмади. Шу жиҳатдан олиб

қаралганда Ўзбекистон билан Козогистон халқларини, нафақат яқин қўшничилик, балки азалий қон-қардошлик ришталари ҳам бирлаштириб туради.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда транзит тартиблари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитацияси билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

(Ў.А.)
СУРАТЛАРДА:
қабул пайти.
Мухаммад АМИН олган суратлар.

Олий Мажлис IV сессияси олдидан

ЎЗБЕКISTONNING КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

Борис БУГРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари

Шу йил 14 декабрда ўзининг бошлайдиган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси ҳаммамиз учун ҳажонли бир даврда — янги аср арафасида бўлиб ўтади. Бу эса парламент фаолиятининг мазмуни ва йўналишига, бутун депутатлар корпусининг кайфиятига таъсир кўрсатиши табиийдир. Бугунги кунда халқ вакиллари "келгуси асрда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажagini таъминлаш учун нима ишлар қилиниши керак?" деган савол устида ҳар қачонгидан кўпроқ бош қотиришмоқда.

Янги аср ва мингйиллик бошланиши биз нимадан воз кечганлигимиз ва нимага эришганлигимизни аниқ аниглаб олмоғимиз лозим. Ислохларнинг хусусияти ва қўламага кўра бу йиллар том маънода асрларга тағиниқ йиллар бўлиши билан янги асрдаги йўлни белгилаб берилади. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан илгари сурилган миллий тарққити концепцияси мувофиқ мустақиллик йиллари қабул қилинган қонунлар ва Президент фармонларига асосланиб, мамлакатимизда янги иқтисодий сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимлар яратилди ва у самарали фаолият кўрсатди. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон давлатчилиги мустақам пойдеворга асосланган бўлиб, у муваффақият ривожланишда.

Жамиятнинг иқтисодий сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларини янада демократлаштириш, эркинлаштириш жараёнини мураккаб тус олади. Демократия, қонунийлик ва инсон ҳуқуқлари инсон ҳимояси таъминини йилларнинг юқориликларига дадил урнатилмоқда. Биз дунёвий мустақиллик ва демократия жамияти кураётганимизни бутун жаҳонга баралла айтдик.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида

Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида сессия кун тартибига қўйилган Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги давлат бюджети, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун (иккинчи ўқишда) лойиҳаси, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Уни қўмита раиси Абдурафиқ Аҳадов бошқарди. Сўзга чиққан депутатлар сессия муҳокамасига киритилган масалаларнинг долзарблигини таъкиллаб, бу ҳусусда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда сессия кун тартиби ҳамда қўмита таркибига ўзгаришлар киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Шу кун Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг ҳам сессиясида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси Нурдинжон Исмоилов олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси кун тартибидан ўрин олган масалалар кўриб чиқилди. Бунда, айниқса, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) лойиҳаси депутатлар ва соҳа ходимлари ўртасида баҳам-мунозарга сабаб бўлди.

Шунингдек, йиғилишда Олий суд ва Олий ҳужжатлар суди судьялигига қўраштилган номзодлар таништирилиб, иштирокчилар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси йиғилишида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қўйилган масалалар тақдим этиш тўғрисида фикрлашиб олинди. Шунингдек, қўмита йиғилишида «Фермер ҳўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонунларга ҳам ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги тақлифлар депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Мажлисини қўмита раиси Искандар Қаландаров олиб борди.

Олий Мажлисининг Иқтисодий сиёсий илох қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг қўмита раиси Мухаммадjon Умаралиев бошқарган йиғилишида Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган масалалар агрофлича муҳокама қилиниши билан бир қаторда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз қўнини йўқотган, деб топилган тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қайта кўриб чиқилди.

Айтиш лозимки, ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида 26 та қонун ва 6 та кодекс бандларига қўшимчалар, ўзгаришлар киритилиб бугунги кун тартибига киритилди. Айрим қонун ва қўшимчаларнинг аҳамияти катта, — деди Президент учрашувда.

Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси йиғилишида сессия муҳокамасига қўйилган масалалар, қўмитанинг сессиялар оралиғидаги фаолияти ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳузурдаги Ёшлар ишлари комиссиялари билан ҳамкорлик тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қўмита раиси Азамат Зиё қўмита аъзоларини сессияда фаол иштирок этишга, ёшлар муаммоларига оид масалаларни дадил кўтариб чиқишга чақирди. Йиғилиш иштирокчилари ўзларининг фаолликларига кўп нарсани бағишлаганига, ёшлар ишлари комиссиялари билан ҳамкорликда илгор тажрибаларни оммалаштириш, мавжуд муаммоларни барқарор этиш борасида мавжуд қонунлар ижросидан кенг фойдаланиш лозимлигини таъкиллади.

Олий Мажлисининг Регламент, одоб ва депутатлар фаолияти таъминоти комиссиясининг йиғилишида Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалаларнинг маъно-маънавий, халқимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз борди. Бу ҳақида йиғилишни олиб борган комиссия аъзоси, Олий Мажлис депутати Омон Олимжонов атрафлича фикр юритди.

Йиғилишда ахли сессия муҳокамасига қўйилган масалаларни маъқул топилган лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ушбу муҳбирларимиз.

Ўтқир ҲОШИМОВ Энг қадрли, энг азиз

«Мустақиллик менга нима берди?» деб нойивданлар учраб туради. Уларга муҳасар қилиб шундай деган бўлар эдим. Мустақиллик сизга Ватанингизни қайтариб берди. Мустақиллик сизга она тилингизни қайтариб берди. Мустақиллик сизга тарихингизни қайтариб берди. Мустақиллик сизга элтиқорингизни қайтариб берди.

Мустақиллик сизга ўзингизни қайтариб берди. Мустақиллик сизга Эркин, сиз Ватанингиздан, тилингиздан, тарихингиздан, элтиқорингиздан айрилган эдилек. Боринки, ўзингиз ҳам ўзингизга берган эдилек. Шунингдек, ҳар бири алоҳида олам эмасми? Энди, биродар, сўраганимиз айни йўл. Сизнинг ўзингиз Мустақилликка нима бердингиз?

(4-бет)

Сиз янги асрдан нималар кутаяпсиз?

Айнан шу савол билан юртодошларимизга мурожаат қилдик

Феруза ҒУЛОМОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 35-оилавий поликлиника бошқаруви шифокори:

— Ота-онаимнинг йўлларидан бориб, болалар шифокори бўлганман. Янги туғилган чақалоқнинг тили йўқ, дардини айтмайди. Шу бос бемор болаларнинг дардини маълум бўлсам, руҳим енгил тортади. Ва ҳар кун ишга отланарканман, қошики шу бугун беморларим камроқ бўлса, деган ўй хаёлимдан ўтади. Чунки фарзанди соғлом онанинг кўнгли тинч, ишда унум, оиласида хотиржамлик бўлади. Янги асрнинг илк йили «Оналар ва болалар йили» деб номланганда мен шундай рамзий маъно уқидим. Гуё учинчи минг йиллик оёна бошлангани йил энди туғилмади чақалоқ мисол. Қанийди, болаларнинг соғ-омон, дуркун бўлиб ўсалару болалар шифокорига эҳтиёж қолмас. Уларнинг шонли кўнглини, қийқириқлари яру қўнги қоплайверса. Янги асрдан ана шундай кунга етказишни сўрайман.

Мафрат Абдуллаева, Адажон шаҳри:

— Ававал XX асрда нимага эришганимни айтиш, болам: Олимпия чемпионининг онаси деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Урлим Мухаммадқодирнинг галабалари натижаси бу унвон. Ило-йим, кейинги асрда менга ўхшаган — Олимпия чемпионлари бор оналар кўпайсин. Бу, аввало, оналик бахти, қолверса, юртимизнинг обрўйи, Ватанимиз шухрати.

Шакаржон ЮСУПОВА, Урганч туманидаги «Мадажон» хусусий фирмаси раҳбари:

— Илг ўн икки ой даладан бери келмаган ва бири икки бўлмаган мендай оддий ўзбек аёли мустақиллик боси мулкдорга, тадбиркорга айланди. Тиккан сўзлару кашталаримиз, тўқтиган тилларимиз дунё кезаяпти. Бундан фахрланмай, шукр қилмай бўламиз!

Янги асрга келсак, умидларим улкан. Ишонманки, мен ташкил этган «Устоз-шоғирд» мактаби фаолияти кенгайиб, шоғирдларим ясаган буюмлар жаҳон бозорларини забт этади. Меннинг «Мадажон»им эса юртимиз иқтисодий-тининг юксалишига баҳоли қудрат малад бўлади.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна бўлиш имконияти жуда оз қолганлигини эслатамиз.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабр кун 9:30 соат 10 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 декабр кун соат 9:00 дан 18:00 га қадар ва 14 декабр кун соат 8:30 дан 10:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатта олинди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига

13 декабр кун Олий Мажлисида соат 12:00 да: «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг, Фидоқорлар миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокнинг ҳамда соат 14:30 да ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилишлари бўлиб ўтади.

(Давоми 2-бетда)

ҲАМ, СҮЗИ ҲАМ ҚОНУНДИР



Бундан етти-саккиз йиллар аввал қурилиш соҳасида оқсоқлик, ўзибуларчилик, сон кетидан қувиш ҳолатлари яққол кўзга ташланиб қолган. Гарчи бу даврда мавжуд қурилиш корхоналари ўзларига мақбул бўлган мулк шаклларига ўта бошлаган бўлсалар-да, сифат масаласини олдинги ўринга олиб чиқиш биринчи кўриш келди. Бу борда тартиб ўрнатилиш учун масала атрофида урганиб чиқилиб, тегишли қарор ва метёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 январдаги «Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибидagi Назорат бoш бошқармасини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу бордаги муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжатга қўра, янги назорат бошқармасининг мустақиллиги таъминланиб, ҳуқуқ, бурчилари, ваколатлари белгиланди. Шу билан бирга унинг зиммасига лойиҳалашдан тортган, ишдошнинг то буржумчани қўлга топириштириш билан жараёни тўлиқ назорат остига олиш вазифаси юклатилди. Бироқ шунга қарамастан, қурилишда ҳамон қоқоқликка йўл қўйиш, сифати паст, экспертизадан ўтмаган лойиҳалар асосида ишоотлар барпо этишга ҳаракат қилиш ҳолатлари учрамоқда, бу билан асло мурося қилиб бўлмайди.

хўжасв олиб бoди. — Қурилишнинг тамал тоши лойиҳадан бошланади, — деди маърузачи, қўмита бoш экспертиза бошлиғи ўринбосари Р. Шомансуров. — Шундай экан, лойиҳа қанчалик яхши, пухта тайёрланган бўлса, барпо этилаётган иморатнинг пойдевори ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бироқ ана шу оддий ҳақиқатни айрим лойиҳалаш институтлари, қурилиш ташкилотлари тўлағичча англаб етмапти. Натijaда баъзи жойларда экспертизадан ўтмаган лойиҳалар асосида қурилишни бошлаб юбориш ҳолатлари содир этилмоқда. Ваҳоланки, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги «Корхоналар, бинолар ва ишоотлар қурилиши лойиҳалари бўйича давлат идораларидан ташқари эк-

спертиза органларининг роли ва масъулиятини қўлайтириш тўғрисида»ги қарорида **экспертизадан ўтмаган лойиҳани молялаштирмаслик** тўғрисида алоҳида банд мавжуд. Табиий савол туғилди: унда нега, бунортомчи ташкилотлар қонунга зид иш тутишяпти?

— Мен бу фикрларга тўлиқ қафолат беради?

Утган вақт давомида ана шундай ҳолатлар учун айбдор бўлган 3619 нафар шахс оғоҳланганлиги тўғрисида. 91 та объект вақтинчалик тўхтатилади. Шунингдек, уларга 8594 минг сўм жарима солиниб, 50950 минг сўмлик молявий санкция берилади. Очиғини айтиш лозим,

сида тузилган шартномавий муносабатлар 95 фoиз бажарилганга қарамастан, уни маблаг билан таъминлаш 52 фoиз адо этилган, холос. Айниқса, бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида бор-ўйи 2 фoиз удаллашганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Текширувлар натижа-си ана бир нарсга аниқлик киритди:

қурилиш-монтаж ишларини бажарувчилар, лойиҳачилар, ҳомаше етказиб берувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, масъулиятлари аниқ кўрсатиб берилган. Шунингдек, ноқонуний хусусий қурилишларни амалга ошираётган юридик шахсларнинг жаобгарликлари ҳам атрофида қамраб олинган.

— Янги аср остонасида қабул қилинаётган бу янги Қонун Ўзбекистон қурилиш санюитини юқори поғонага олиб чиқишига имонимиз қомил, — деди назорат бoш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Муъссар Абдусаматов. — Бунга тўлиқ асос бор. Ҳозирда оқой пойтахтимиз қурилиш ҳажми жиҳатидан Ҳамдустлик давлатлари орасида Москвадан сўнг иккинчи ўринда бoрмоқда. Бундан гурурланасак арзийди. Эндиликда сифат масаласини ҳам биринчи ўринга олиб чиқишнинг вақти келди.

Яна бир масала. Бу соҳага хорж сармоясини кенг жалб этиш, янги технологиялар, ноу-хау, инвестиция лойиҳаларини олиб кириш, тури хил мулк шакллари жорий қилиш, сармоялашнинг давлат грантлари асосида йўлга қўйиш мақсадида қўмитамиз томонидан махсус концепсия ишлаб чиқилди. Шунингдек, биз 2001-2005 йилларда буюртмачи ташкилотларнинг талаби асосида монолит (қуйма темир-бетонли) қурилишларни ривожлантириш бўйича тақлифларини Вазирлар Маҳкамасига киритдик. Айни чоғда бу борда Тошкент шаҳри ҳокимиятида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, пойтахтимизнинг Юнусобод, Сирғали туманларида, Космонавтар ва Ойбек метроси бекатлари оралиғида ана шундай монолит ишоотлар қад ростлаб, шаҳар ҳуснига-хусни қўймоқда. Бундай қурилишларга эътибор берилишидан мақсад шунки, авваллардан, электр қуввати ва харажат тежаллаб, қолаверса, уни қисқа муддатда қўйиб, фойдаланишга топшириш мумкин. Зеро, бунда кўркам ва бежирим монолит бинолар қуриш, пардозлаш ва уларни ҳақон андозлари талабларига жаов берадиган даражада фойдаланишга топшириш учун имкониятлар етарли.

Дарҳақиқат, йиғилиш-семинарларда қурилиш соҳаси учун долзарб масалалар муҳокама қилиниб, уларни тезроқ рўбга чиқариш юзасидан тегишли тадбирлар белгилан олди. Йиғилиш қатнашчилари бир тўғнага келидилар: Қурилишда ислохотларни чуқурлаштириш, юқори сифатга эришиш учун назоратни қўлайитириш тармоқининг энг асосий мезонига айланмоғи шарт.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ,

Усмон УСМОНОВ.

Назоратсиз сифат бўлмас

қушиламан, — деди Давлат Архитектура ва қурилиш назорати бoш бошқармаси бошлиғи Олим Йўлдошев. — Чунки бундай камчиликларни нафақат қурилиш, таъмирлаш жараёнда ҳам кузатиш мумкин. Бир мисол. Бухоро вилоятининг Олот туманида барпо этилаётган қишлоқ хўжалиғи коллежи қурилиш кўзлави кечирилганда 33 та яроқсиз темир-бетон плитаси ва 52,9 куб метр сифатсиз шилт иштатилаётгани маълум бўлди. Ана энди ўзини-ғиз бери ўйлаб қўлинг. «Мендан кетгунча, эгасига етунча» қабилида барпо этилган бундай биноларнинг мустаҳкамлиғига, зилзилабардошлиғига ким

айни пайтда бошқармаимиз назоратчилари қурилатган объектларнинг атиги 11 фoзини назорат қилиш имконига эга. Айрим вилоятларда эса ҳар 2-3 туманга биттадан инспектор тўғри келмоқда. Бу билан биз қадрлар етчимаслигиндан нолиётганимиз йўқ. Аксинча, қурилиш соҳасидаги назоратнинг қарийб 70 фoзини техник назоратчи, яъни буюртмачи ташкилотлар амалга оширишлари керак. Бироқ улар ўз вазифа ва ҳуқуқларини тўлағичча англаб етмашяпти.

Бундан ташқари, қурилишда муаллифлик назорати ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Жумладан, жорий йилда буюртмачилар билан муаллифлар ўрта-

ритмоқда: бугунги кунда қўлаб қурилиш ташкилотларидаги мавжуд камчиликлар муаллиф томонидан қайдома журналда кўрсатилган бўлса-да, улар бартараф этилмаган. — Анжуман қатнашчиларининг эътиборини яна бир нарсга қаратишимиз истаримиз, дед сўзда давом этди у. — Яқинда бўлаётган Олий Мажлис сессияси муҳокамага тақдим этилаётган «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жаобгарлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси, агар у қабул қилинса, мавжуд камчиликларни бартараф этишга муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Сабаби — бу лойиҳада буюртмачилар, пуд-

Интизомга хизмат қилади

— Дарҳақиқат, республикамиз бўйича йилгига лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда йўл қўйилган 10 мингдан ортиқ, давлат стандартлари талабларига жаов бeрмайдиган махсулотлар тайёрлаш юзасидан 14 мингта янги турли хил қурилишдаги қонунбузарликлар содир этилаётганини ҳеч кечириб бўлмас ҳолдир. Худди шунингдек, сўнгги пайтларда айрим шахслар томонидан Бoш лойиҳа нисбатан зид равишида, аниқроғи ўзошимчилик билан хусусий қурилишлар қилинмоқдаки, уларни тартибга солишининг аллақандак мавриди келди.

Тақдим этилаётган ушбу қонун лойиҳаси 11 моддадан иборат бўлиб, қурилиш соҳасида содир этилиши мумкин бўлган барча қонунбузарликларнинг олдини олишга муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, унда лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари, конструкция, қурилиш материалини ишлаб чиқариш жараёнини бўйича мутасаддиларнинг масъулияти, жаовбарлиғи аниқ қилиб кўрсатиб қўйилган. Жумладан, Давлат бoш экспертиза томонидан тасдиқланмаган лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқаришга жорий қилганликлари учун жаовбар шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 70 бараваригача, давлат стандартлари талабларига жаов бeрмайдиган қурилиш материаллари ва махсулотлар ишлаб чиқарганлиги учун буюртма-

чиларга етказиб берган ушбу махсулот умумий суммасининг 50 фoизгача жарима солиш белгиланган. Шунингдек, лойиҳада Давлат архитектура қурилиш назорат бoш бошқармаси зиммасига лойиҳалашдан тортган, уни буюртмачининг қўлига топширганга бўлган барча жараёнларни ўз назоратига олишдек катта масъулият юклатилган.

Бундан шуни англаш мумкинки, ушбу қонун лойиҳаси ўзининг гишк ва пухталиги билан қурилишда сифат жиҳатдан жиҳдий ўзгаришлар бўлишига ишонч уйғотади. Уни тайёрлаш жараёнида Франция, Россия Федерацияси, Украина, Белорус, Қирғизистон Республикаларида амал қилиб келинаётган шунга оид қонунлар ва мамакатимиз Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган бир қатор мевёрий ҳужжатлар алоҳида эътиборга олинди. Бу жараёнда республика Вазирлар Маҳкамаси, Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси, Адлия, Молия, Меҳнат ва Макроиқтисодий ва статистика вазирликлари мутахассислари иштирок эттишти.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент, XXI аср спорти

Шаҳарлар номини санаётганимга ҳайрон бўлмаган. Зеро, улар ўзбек кураши, умуман, халқимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилақ. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати Тошкентда, иккинчиси Англияда ўтказилган бўлса, учинчисинини 2001 йилнинг август ойида Европанинг гузал шаҳарларидан бири Будапешт қабул қилмайдиган бўлди. Халқро кураш ассоциациясининг кўни кеча ниҳонига етган ижроия қўмитаси йиғилишида ана шундай қарорга келинди.



Ҳозирда ўзбек кураши туб бoрилиш даврини бошдан кечирмоқда. Халқро кураш ассоциациясининг икки йиллик фаолияти давомида дaдил олга силжиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди: беш китабга 30 дан зиёд кураш миллий федерациялари очилди. Жаҳон ва китаъ биринчиликларидан тортган, тури даражадаги мусобақалар ўтказишнинг тизими ишлаб чиқилди. Халқро кураш ассоциациясининг раҳбар органи ҳисобланган ХКА ижроия қўмитаси таркибин шакллантириш жараёни амалда поёнига етди. Эндиликда Халқро кураш ассоциацияси ва кураш ўз ривожининг иккинчи босқичига қадам қўймоқда. Шунинг учун ҳам у халқро спорт ташкилотларига аъзо

Анталия,

бўлиши лозим.

Тилга олинган анжуманда мана шу масалалар муҳокама этилди ва зарур қарорлар қабул қилинди. Алоҳида тақдирлаш лозимки, ХКА ижроия қўмитаси аъзолари ўз юртининг янги аср бўсағасидаги тараққийоти белгиларини, шубҳасиз,



Баъзан ўзимга савол бeраман: гурур нима? Жаовлар хилма-хил бўлади. Лекин ижроия қўмитанинг йиғилишида иштирок этарканман, уни яна бир бор амалда хил қилдим. Чунки, ўзбек курашини ривожлантириш, уни иқом қадар тезроқ Олимпия ўйинлари қаторига қўйиш учун жон куйдираётганлардан бири Жанубий Африка Республикасида, иккинчиси Болгарияда, бошқалари Япония, Хиндистон, Польша, Литва, Туркияда.

— Ҳаётимиз даврига, асоси — бу Конституциядир, — дейди ХКА президентининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси, Хиндистон кураш миллий федерацияси вице-президенти, Деҳли штати парламенти раиси Киран Чоудхари хоним. — Ассоциациямиз конституцияси эса унинг нисомидир. Шунинг учун ҳам уни янада гишк-пухта қилишимиз, Олимпия хартиясига мослаштиришимиз зарур.

Кенгашда Киран хоним так-

Будапешт!

лифларига биноан, ХКА низомига бир нечта ўзгаришлар киритилди.

— Ўзбек курашини жаҳонда ривожлантириш учун ушбу спорт турининг ватани билан бошқа давлатларнинг мураббийлар, спортчилар алмашинуви қўлайитириш керак, — дейди Андре Френч (ЖАР).

Ижроия қўмита аъзолари республика ёшларининг бошқа мамлакатларда ҳам бўлишларини очиб, масаласи кўриб чиқилди, — дейди Гинтас Вилейта (Литва). — Ва бу жуда муҳим. Чунки биз қайси йўлдан юрмишимиз, қайси эшикдан киришимиз ва чиқишимиз айнан шу академия қўраб бeрмоғи лозим.

Ижроия қўмитанинг бу галги йиғилишида, шунингдек, 2001 йилги мусобақалар тақвими, ХКАга аъзо бўлган мамлакатларда бутун дунёда курашни ривожлантириш ҳам-гармасининг бўлишларини очиб, ассоциациянинг кейинги йилги бюджетни лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистонимизнинг танлиқ шoir ва ёзувчилари, тарихчи олимлари ва археологлари билан бўлган урмуш хорижий меҳмонларда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Ижроия қўмита аъзолари республика ёшларининг «Камолот» жамағамаси раҳбарияти билан ҳам урмушди.

— Биз кураш орқали хорижий давлатларнинг ёшлар масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамламоқчимиз, — дейди жамағам бoшқаруви раиси Комил Юсупов. — Ҳозирча Хиндистон билан шу хусусда келишиб олдик.

Хулоса қилиб айтганда, бу ташаббусни тўлиқ қўлаб-қуватлаш мумкин. Зеро, «Камолот» ҳам, кураш ҳам, умуман, барча спорт турларининг ҳам ёшлар тарбиясида муҳим ўрни бор. Демак, уларнинг ҳамкорлигидан кўп нарсга кўтас бўлади.

Озод РАЖАБОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

Бунёдкорлар анжуманидан сўнгги ўйлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш Назорат бoш бошқармасида бўлиб ўтган минтақалар анжумани ана шу масалаларни атрофида муҳокама қилишга бағишланди. Йиғилишда бошқарманинг жойларда раҳбарлари, лойиҳа институтлари, буюртмачи ташкилотлар ва қурилиш соҳасига дахлдор корхоналар мутасаддилари иштирок этди.

Анжуман олдидан йиғилиш қатнашчилари пойтахтимизда янги ишга туширилган қурилиш объектлари билан яқиндан танишиб чиқиди.

Анжумани республика Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш, санюот, транспорт ва алоқа бўлими котибиятининг мудир О. Али-



Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон ҳoлқ ёзувчиси.

Нежабки, 2000 йилда ҳам мамлакатимизда пахтачилик соҳасида қутилган натижага эришилмади: хирмонга 900 минг тонна «оқ олтин» кам топширилди. Бу нима дегани?

Бир мисол. 1976 йилда со-биқ СССР ҳукумати Фарб давлатлари билан олтун ҳисобига га-лла сотиб олмақчи бўлди, аммо улар олтинни олмадилар. «Биз уни фақат стратегик ҳомаше — пахтага сотамиз», — дейишди.

Уша йилда Ўзбекистонда белгилангандан 400 минг тонна кўп ҳосил олинган эди. Унинг ҳар тоннасига Фарб давлатлари 18 тоннадан га-лла бeришар. Бу дол мамлакат ҳoлқини очарчиликдан сақлаб қолди. Демак, пахтаимиз олтиндан ҳам кучли, бебаҳо ҳазинадир.

Афсуски, ҳоқорид айтилганидек, республикамизда ана шу бойлик — пахта ҳосилдорлиғи, унинг чғи йилдан-йилга камайиб бoрмоқда. Бу йил икки вилоятда режа бажарилди, холос. Андижон вилояти — шудардан бири.

Андижонликлар ибрати

Бу вилоятда ҳoлқини эки қойи-лашган. Ўзбекистон ҳoлқинининг ўн фoзини андижонликлар ташкил этди. Улар бутун республикамиз ҳудудининг атиги бир фoзинга эгалик қилдилар, холос. Бу озим ё кўн?

Бугуннинг гапи

Эсинида бўлса, газетамизнинг шу йил март ойи сома-рида Ўзбекистон ҳoлқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг «Ориятли одамлар аҳди» сарлавҳаси остида туркум мақолалари эълон қилинган эди. Ушбу мақолаларда Фаргона вилоятида иқтисодий ислохотлар сўст кeчаётгани хусусида Президе-нтимиз томонидан бeриладиган тақдирий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб олган ориятли одамларнинг ҳар жабада бурилиш ясаш учун астойдил ишга киришадилари баён этилган. Аслида ана шу мақолаларда она юрт фарзанди, атамларимиз ёзувчининг дил сўзлари, қўра-кечирганлари ифодаланган эди.

Орадан бир неча ой ўтгач, жонқуяр адиб яна Фаргона вилоятига бoрди. Давалари айланди, меҳнатқашлар билан учрашиб, улар билан суҳбатлашди. Қишлоқларда юз берган ўзгаришлардан, одамларнинг ишонч ва эътиқоддан, Фаргонага файз-баракат қайтаётганидан мамун бўлди. Таассуротларини эса «Фазинг ошиси, Фарғонам» сарлавҳали мақолада қаламга олди («Халқ сўзи», 26 август).

Мухтарам газетхон, бугун эътиборингизга ҳавола этилаётган ёзувчининг «Пахта — олтиндан ҳам бебаҳо» мақоласини уша мақолаларнинг мантақий давоми ва яқини сифатида қабул қилаёйсиз.

Этарлимиз ёки йўқ? Албатта, етарли эмас! Аммо андижонликлар «борига барак» деб, қанотланган қолмайдилар. Йўқни йўқиб, оз ерага оз тур-бири ишлаш ва соз янаш оми-ларини излайдилар, тинмай қидирдилар. Пленка остига чигит экиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш шундай из-ланишлар самарасидир.

1995 йили бу ерда дастлаб 71 гектар ерда пленка остига чигит экилди. «Синамаганни сийламас» деганларидай, бу усулга ўша пайтда шубҳа билан қараганлар ҳам топилди.

— Шубҳага ўрин йўқ! — деди вилоят ҳoқими, ҳозирда Ўзбекистон Қарамон Қўра-ла Оқилдор ва қаттиқ тур-бири янги усулни ҳимоя қилди. — Пахтачиликнинг кeлажаги, Андижоннинг эртаси шу янгиликка боғлиқ, орқага қайтиш мумкин эмас!

Шундай қилиб, ўша йили пленка остига етиштирилган пахта ҳаммининг кўзини очди. Сарф-харажат кўпроқ бўлса-да, меҳнат унмули бўлди, кам сув сарфлаб, мўл ҳосил олинди. Даромади буромадини қоплаб-гина қолмай, деҳқон ҳаёнига ҳам мўмайгина пул тушди. Янги усулнинг афзаллиқла-

ри яна анчагина эди. Масалан, гўза хашроғта чидамли бўлади, шамолу брўрдан ҳимоя-лангани, қатқоқли билмайди. Энг муҳими, оқиқ қойига экил-ган гўзага нисбатан 15-20 кўн олдин очилди. Пахта биринчи теримдаёқ саранжомлиб, сўнгра шудорлаш учун ерга трактор э-риптилади.

Биринчи синодан муваф-қиқили ўтган бу усул 1996 йил-да 9409 гектар ерда жорий этил-ган бўлса, 2000 йилда деярли бу-тун вилоят пахтаи пленка ости-да етиштирилди. Натija ая! Март ойида экилган чигит ил-ойида етила бошлади. Август ойида теримга киришилди. 25 сентябрда эса вилоят пахтақор-лари йиллик пахта тайёрлаш ре-жасини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Даромад ҳам шунга яраша бўлиши қутим-оқ-да.

Қолаверса, вилоят хўжалиқла-рида аллақонд ер чуқур шудор қилиниб, ўғиланиб, пушта олиб қўйилган. Бу — кeласи йили эрта баҳорда чигитни пленка остига экиш учун майдонлар ҳозирлаб қўйилди дегани.

«Андижон технологиясе-нини моҳияти шу. Андижон-ликлардан ибрат олган Фарго-на вилояти деҳқонлари ҳам кам

«Фаргона», Бешарик туманидаги «Рапқон» жамоа ва ширкат хўжалиқлари пахтақор-лари муносив ҳисса қўшдилар. Олтириқлик Ўзбекистон Қарамони Ю. Жўраев, учқўприқлик А. Абдуллуев, қувалик М. Аҳмадалиев бошлқ бoш пудратчиларининг азаматлари эса гектар ҳосилдорлигини 50-60 центнерга етказиб, ўзларининг нимага қолдиришларини амал-да исботладилар.

Эришилган галабаларнинг омиллари нимадан иборат? Аввало, пахтачиликда янги ва илгор тажрибаларга суяни-лди. Жами майдоннинг 6464 гектарига уруф пленка остига, 42853 гектар ерга эса пуштага

лиятимизда гувоҳ бўлдик. Чигит эрта баҳорда, нами қочиб улгурмаган ерга экилади. Етилмаган ер пленка остида етилади, юмшайди, чигитга керакли нурни йиғиб бeради. Пленка остида бeгона ўт усмайди. Ерининг барча қува-ти — гўзаники! Шу боис оқиқ майдонга қадаглан чигит ҳали унинг чигмай туриб, бу ерда гўза барг ёзди, бақувват бўлиб ўсади. Бундай гўзанинг шо-лариди, табиийки, бир хилда ва баб-баравар кўсақ йиғилиб, тез етилади ва июл-август ой-ларида очила бошлайди. На-тижада айрим пудратчилар ва фермерларимиз биринчи те-римдаёқ маррага етидилар.

Паштанинг аҳамитига кeла-сақ, тупроқ мевёрий даражада экиланиб, нами узда кўп сақлайди. Бу эса ўз навбатида текис кўчат олишни таъмин-лайди.

Бундан ташқари, чигит пуштага экилганда, иссиқлик-ни 2-3 даража кўп олади. Бу-ҳорда ёғингарчилик кўп бўлган тақдирда ҳам, қатқоққ бўлмайди, яъни чигит қири-майди.


Айни чоғда 15 минг гектар шўранган ерга 2 марта яқоб-суви бeрилиб, бу юмуш мақ-бул муддатларда, сифатли қилиб амалга оширилди. 1 февралда қадар эса пленка остига чигит экишга мослашти-рилган 2200 та севляк ва чо-пиқ трактори тўлиқ таъмирла-ниб, махсус майдончаларда си-новдан ўтказилди.

Уруғлик тайёрлашга ҳам экилди. Культивация, суғо-руш, ўғитлаш ишлари энг қулай агротехника муддатлари-да ўтказилди. Вилоятга янги 338 та трактор, 270 та культиватор, 100 та двигател, 4500 та шина келтирилгани, бошқа эҳтиёт қисмлар ва ўнг етарли миқдорда жамағарларни бунга имкон бeради.

Пахта йиғим-теримига эса алоҳида тайёрлаш, ушоққоқ-лик ва катта сафарбарлик билан киришилди. Кадрларга нисбатан талабчанлик оширил-ди, меҳнат интизоми мустаҳ-камланди. 126 минг нафар ил-микдорда жамағарларни бунга имкон бeради.

Далада ишловчиларга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсати-лди. Хусусан, ҳар беш кунда иш ҳақи бeрилади. Ил-горлар моддий рағбатлантири-лади. Теримчиларга 5 ми-лярддан 65 миллион сўм тарқатилгани шундан далолат бeра-ди.

— Энг муҳими, андижон-ликлар тажрибаси бизга жуда кўл келди, — дейди Қува ту-мани ҳoқими Муҳаммадхон Носиров. — Биласизми, пленка усули — бу пахтачи-лик кeлажаги. Бунга ўз фао-



жиҳдий эътибор қаратилди. Мавжуд 10 та элита ва 62 та

фойдаланиш мақсадида ҳар 75-80 метрда қўндалан ўқариқ-лар олиниб, кeчаю қўндалуз эгитларга оби-ҳаёт таралиди. Об-ҳаво қуруқ бўлганини са-бабли, май ойининг охиридан 15 июнчага пленка йиғишти-риб олинди.

ТабиаТ.
ЖамияТ.
Инсон.

Мангу ҳақиқат
Она — битта! Ватан — ягона!

Бирова
қолган кунини

Виждонли инсон учун «шу меннинг мушкулларимни осон қилармикан», деб бировнинг кўзига термулган ортиқ азоб йўқ.

«Таббиркор»
ва «байковчи»

«Таббиркор» дегани йўқни бор қилиб, бир нима яратадиган, жилла курса, ўзимизда камб нарса ни четдан келтириб, ҳожат чиқарадиган одамни аналтатувчи эди.

Шон ва Шом

Болаликда кўёш секин чиқаётгандек бўлаверади.

Асл айнимас

Ит тумшугини суққани билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди.

Шуҳфа эмас

Мустикалик берилмайди. Мустикалик олинади!

Ўзбек хонадонини

Ўзбек хонадонидан нон ва райхон иси келади...

Ақл ва Юрак

Юрак — ақлга, ақл — юракка қулоқ соқса, олам — гулистон бўлур эди.

Оила

Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ!

чўққи тепасига етганда тубсиз дара устидан сакради-да, нариги чўққига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Шажаматлик

Тамгагилик шундай касалликки, унга йўлққан одам бора-бора ўзининг хотинини ҳам бировнинг қўли билан қучоқлагиси келадиган бўлиб қолади.

Жавобгарлик

Ота учун бола жавобгар эмас. Аммо бола учун ота жавобгар. Бола — отани эмас, ота болани дунёга келтиради ва тарбиялайди.

буюрганни эмас, партия буюрганни ёзиши керак эди.

Шуrolарнинг лўттибозлиги шунда эди!

Табассумга

мойла гаплар

«Ақлни етмаган

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Дафтар
хошиясидаги битиклар

Садоқат

Қадим замонда бир юрт бор экан. Халқи меҳнатқаш, подшо-си одил, ҳаёти тинч, турмуши фаровон экан.

Хуфия ўша юртга борибди. Вақти келиб, чиндан ҳам подшонинг ишончига кирибди, мулозимларидан бирига айланибди.

Бир кунни ўша подшо шикорга чиқди. Ёнида қирқ нафар йигити ҳам бор эди.

қиб, подшога топширди...
У юртда бундай йигитлар кўп. Бунақа юртни енгиб бўлмайди...

Унутман

Она тилини унутмоқ — ўз она-сини унутмоқ демасдиқ!

Косов

Косов — қора. Косов — кир... Аммо мен Косовдан ҳазар қилмайман. Косов тутган Қўлдан ҳазар қиламан!

Эзгуликнинг кели... бор

Яхшилар бириккунча ёмонлар тил бириктириб, талай разилликлар қилиб улгуради...

Қонун

Дарё қирғоғи иккита бўлиши бежизмас. Ўнг қирғоқ қуласа ҳам, сўл қирғоқ қуласа ҳам, тошқин бўлиб, офат рўй беради.

Ўлғ

Йўлни тораитиришдан тийилинг. Худо йўлни тораитиришнинг гўри-ни тораитиради, деган гап бор...

Дахрийлик

Шўро сийбатиинг энг катта фожиялардан бири — дахрийлик бўлди. Дахрийда иймон бўлмайди.

Саккизинчи мўъжиза
(Ижод ва ижодкорлар ҳақида)

Шўро сийбатлонларининг баъзи «уйин»ларига ҳайрон қоласиз.

Шундай экан, уларнинг шахси оқланганидан кейин ижоди нега оқланмаслиги керак? Ахир улар қалби буюрганни ёзган-ку! Ҳам-ма гап шундаки, ижодкор қалби

нарсага афаланима!»

Жамики ижодкор қавмига теккан «касал»дан Саид Аҳмад ака ҳам бенасиб қолмаган; мақтов-ни яхши кўради.

Навбатдаги ҳикояси чиққан кунни ҳам шундай қилди.
— Ўқи, болам ўқи! Ўзим жа-а-а «обборганман!» Бунақа асарни мендан бошқа ҳеч ким ёзолмайди.

«Онаси ўлмаган»
Маҳаллада Нури сатанг дегани бор. Нуқул «онаси ўлмаган қизим бор» деб мақтанади.

РЕСПУБЛИКА ТЕНДЕРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШҚАРМАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ
Буюртмачи - Жиззах вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси номидан 2001 йилда

THE OPEN SOCIETY INSTITUTE
ASSISTANCE FOUNDATION - UZBEKISTAN
OSI/FCO CHEVENING/UNIVERSITY OF ESSEX
SCHOLARSHIPS FOR MASTERS DEGREES
IN HUMAN RIGHTS 2001/2002

БИЗНИЧ
ДЕРАЗЛАРИ МИЗДАҚ
ДУҚИЕ ТУЗАЛ КЎРҮҚАДИ.
ТАШКИЛОТ
ДУ-20 мм, ДУ-50 мм,
ДУ-32 мм, ф 76х3,5 мм
пўлат қувурларни сотади.

ТАШКИЛОТ
ДУ-20 мм, ДУ-50 мм,
ДУ-32 мм, ф 76х3,5 мм
пўлат қувурларни сотади.

КУЛАЙЛИКНИ ХИС ЭТИНГ
Space CLASS
МЕТАЛЛОПЛАСТИКДАН
ЭШИК ВА РОМ
ТИЗИМАЛРИ

UCD Group
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги «Ўзсувтаъмирфордаланиш» республика бир-лашмаси жамоаси Катта Фарғона каналини ишлаштириш бошқармасининг бошлиғи Ҳамиджон Ҳакимовга онаси ПАТИЛАХОН аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСА:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ.
Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ
(масъул котиб —
«Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙШБЕРГЕНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.
БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —
133-57-34;
Хуқуқ —
136-07-94;
Иқтисодиёт —
136-36-65;
132-10-65;
Маънавият ва маърифат —
136-35-60;
Хатлар —
136-29-89;
133-07-88;
Фан, соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий масалалар —
132-12-08;
Ахборот, спорт ва
харбий ватанпарварлик —
133-78-92;
Халқаро ҳаёт —
132-11-15;
Котибият —
133-10-28;
Эълонлар —
136-09-25.
Рўйхатдан ўтиш
тартиби
№ 00001
Буюртма Г — 1115,
18120 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қоғоз бичими А—2.
Газета PENTIUM-II
компьютерда терилди
ҳамда оператор
Ж. ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб —
А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир —
О. РАҲИМОВ.
Навбатчи —
О. РАҲАБОВ.
Мусаҳҳах —
А. САТТОРОВ.
• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.
Тахририятда ҳажми
5 қоғоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси
босмаҳонаси. Корхона
манзили: «Буюк
Турон»
кўчаси, 41.
Босишга топшириш
вақти — 21.00
топирилади — 21.20
1 2 3 4 5 6